

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЭСАНБЕКОВ МЕЙРЖАН ЮСУПБЕКОВИЧ

**ИРРИГАЦИОН ЭРОЗИЯСИГА МОЙИЛ БЎЛГАН ТУПРОҚЛАРДА
ВЎЗАНИ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2017

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Эсанбеков Мейржан Юсупбекович

Ирригацион эрозиясига мойил бўлган тупроқларда ғўзани суғориш
технологияси элементларини такомиллаштириш..... 3

Эсанбеков Мейржан Юсупбекович

Совершенствование элементов технологии полива хлопчатника на
почвах, подверженных ирригационной эрозии..... 21

Essanbekov Meirjan Yusupbekovich

Improvement of elements of cotton irrigation technology on soils affected
by irrigation erosion..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЭСАНБЕКОВ МЕЙРЖАН ЮСУПБЕКОВИЧ

**ИРРИГАЦИОН ЭРОЗИЯСИГА МОЙИЛ БЎЛГАН ТУПРОҚЛАРДА
ВЎЗАНИ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2017

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx66 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Безбородов Юрий Германович**
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Хамидов Муҳаммадхон Хамидович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Норқулов Усмон Норқулович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Андижон қишлоқ хўжалиги институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «__» _____ 2017 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й, ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: g.selek@qsxv.uz

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й, ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж.Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
қ.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда сув танқислиги сезилаётган шароитда, айниқса қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувдан оқилона фойдаланиш талаб этилмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашиши ва ирригация эрозияси жараёнларининг содир бўлиши бевосита суғоришни тўғри ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Ирригацион эрозияси таъсирида дунёнинг 56 фоиздан ортиқ экин майдонлари турли даражада зарар кўриб, бунинг натижасида тупроқ унумдорлиги пасайиши ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 15-20 фоизгача камайишига сабаб бўлмоқда¹.

Республикада мустақиллик йилларида пахтачиликда тупроқ унумдорлигини ошириш, эрозия жараёнларини камайтириш ва суғориш сувларини тежовчи технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида ғўзани томчилатиб, қатор ораларига қора полиэтилен плёнка тўшаб ва эгилувчан кўчма қувурлар ёрдамида суғориш технологиялари жорий этилди. Шу билан биргаликда, ғўзани эгат орқали суғоришда, айниқса нишабликка мойил ерларда сувнинг оқовага чиқиб кетиши ва тупроқни унумдор қатламининг ювилиб кетишини камайтириш борасидаги тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш» муҳим вазифаларидан бири қилиб белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, республикада ирригация эрозиясига мойил тупроқларда ғўзани суғориш технологияси элементларини янада такомиллаштириш орқали суғориш сувларини тежаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Дунёнинг пахта етиштирувчи АҚШ, Хитой, Ҳиндистон каби етакчи мамлакатларида тупроқни юзасини турли органик (сомон, ёғоч қипиғи, қуруқ барглар, коспост ва бошқа.) ва ноорганик (полиэтилен плёнка, вулқон кули ва бошқа.) материаллар билан мулчлаш натижада суғориш сувларини 30-40 фоизга тежалиши, суғоришнинг фойдали иш коэффицентини ошириш ҳамда тупроқнинг намлик, озика, ҳаво ва иссиқлик тартибларини яхшиланиши эвазига пахта ҳосилдорлиги гектарига 5-6 центнерга ошиши аниқланган. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, сув танқислиги ва ирригацион эрозияси жараёнида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бораётганлиги шароитида сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни такомиллаштириш бўйича изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

¹ <http://www.fao.org/docrep/018/i1688ri1688r02.pdf>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 ноябрдаги 261-сон «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишни такомиллаштири чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ирригация эрозияси масалалари ва тупроқни мулчалашнинг самарадорлигини ўрганиш бўйича бир қатор маҳаллий ва чет эл олимлари Мирзажанов Қ.М., Нурматов Ш.Н., Безбородов Г.А., Безбородов А.Г., Безбородов Ю.Г., Шамсиев А.С., Муминова З.К., Мишустин Е.Н., Билл О., Власенко А.Н., Гусева Е.М., Емцев В.Т., Ильясова М., Карамшук З.П., Рейн Н.А., Шепс Н.Ф., A.Nihihara, C.Clinton, Clint Shock томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-7-051.2 «Ирригацион эрозиясига мойил бўлган тупроқларда ғўзани сув тежовчи технологиясини биоэнергетик баҳолаш» (2006-2008 йй.) ва КХ-4Ф-18 «Суғориладиган ерларда шаклланадиган ва эмиссия парник газларини қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигига таъсирини назарий ҳамда амалий асослаш» (2008-2010 йй.) мавзусидаги амалий ва фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ирригация эрозиясига мойил бўлган тупроқларда ғўзани суғоришда сув ва ресурстежамкор ҳамда тупроқни ҳимояловчи экологик хавфсиз технологияларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазибалари:

ғўза қатор ораларини сомон билан мулчалаб ва очик эгатларда доимий оқим ва дискрет технологиялари орқали суғоришда эгатга бериладиган сув сарфи, суғориш муддати ва меъёри, суғоришнинг фойдали иш коэффиценти, оқова сувлари билан тупроқ ва уни таркибидаги озика моддаларни ювилиши миқдорини аниқлаш;

ғўза қатор ораларини мулчалаб ва очик эгат орқали суғориш технологияларини тупроқнинг сув, иссиқлик, ҳаво ва микробиологик тартибларига таъсирини аниқлаш;

ғўза қатор ораларини мулчалаб ва очик эгат орқали суғориш технологияларида эгат узунлиги бўйлаб ва кўндаланг кесимида тупрокнинг намланиш даражасини ўрганиш;

ғўза қатор ораларини мулчалаб ва очик эгатлардан доимий оқим ва дискрет суғориш технологияларини ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ҳамда тола сифатига таъсирини ўрганиш.

Тадқиқот объекти сифатида сизот сувлари сатҳи чуқур жойлашган механик таркиби оғир қумоқ типик бўз тупроқлар, шўрланмаган, ирригация эрозиясига мойил бўлган пахта майдони, ғўзанинг ўрта толали Наманган-77 нави олинган.

Тадқиқот предмети турли эгатлаб суғориш технологиялари ва унинг элементлари, сув ва тупроқ, суғориш сифати, ирригация эрозияси, юқори ва сифатли пахта ҳосилдорлиги бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитларида ўтказилиб, тупроқнинг сув-физик, агрохимёвий хусусиятлари ва бошқа ўлчов ва кузатувлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услуби, тупроқ намлиги термостат-тарози усули билан бирга «DR-503 Hydroprobe» русумли нам ўлчов асбоби ёрдамида аниқланган. Тупроқ ҳавосини эса ЛХМ-8М газ храмотографи ёрдамида аниқланган. Тупроқдаги микроорганизмлар миқдори Микробиология институтининг услубий қўлланмаси бўйича тупроқ микробиологияси лабораториясида аниқланган. Олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлилида Б.А.Доспехов усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ирригация эрозияга мойил типик бўз тупроқларда ғўза қатор ораларини сомон билан мулчалаб доимий оқим билан ва дискрет суғориш технологияларининг элементлари такомиллаштирилган;

қатор орасини сомон билан мулчалаб доимий оқим билан ва дискрет усулда суғоришнинг мақбул муддатлари, сув сарфи ва ғўзанинг сув истеъмоли кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

ғўза қатор орасини сомон билан мулчалаб доимий оқим билан ва дискрет суғориш технологияларининг тупроқни агрофизикавий, сув-физик ва агрохимёвий хоссаларига таъсири аниқланган;

ғўза қатор ораларини сомон билан мулчалаб доимий оқим билан суғориш технологиясининг эгат бўйлаб тупроқни бир текис намланиши ҳамда тупроқ ва уни таркибидаги озика моддаларнинг оқова суви билан ювилиши миқдори аниқланган;

қатор орасини мулчалаб суғориш технологиясининг тупроқ ҳарорати, уни ҳавоси таркиби ва микроорганизмлар фаол гуруҳлари миқдорига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Тадқиқотларда мазкур суғориш технологияси қўлланилиши натижасида тупроқнинг ирригация эрозияси 81,8 фоизга ва қатор орасига ишлов бериш сони 50 фоизга қисқариши ҳисобига ёқилғи мойлаш маҳсулотлари тежалган, мавсумий сув миқдори 33 фоизга, ғўзани сув истеъмоли 13-15 фоизга камайган;

мулчаланган вариантларда тупроқ намлигининг физик буғланиши 69 фоизга камайиб, тупроқда амал даври давомида ўсимликни ўсиши ва ривожланиши учун қулай намлик, ҳаво ва иссиқлик омиллари яратилган;

тупроқни сомон билан мулчаланган шароитда кўсақларнинг очилиши 10-15 кунга тезлашган, уни таркибидаги аммонификаторлар сони 2 баробарга, карбонат ангидрид ва метан гази 28,0 фоизга ошиши натижасида ўсимликнинг озикланиш тартиби яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибалар натижаларини миллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳолангани ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга, янги ресурстежамкор агротехнологияни қўллаш соҳасидаги илмий ишларда кенг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва ҳалқаро илмий конференцияларда қилинган муҳокамалар натижаларининг ишончилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўза қатор ораларини сомон билан мулчалаб суғориш технологиясини мақбул элементлари ишлаб чиқилиб, тупроқнинг сув, иссиқлик, ҳаво, намлик ва микробиологик тартиблари яхшиланиши ҳисобига ғўзани ўсиши, ривожланиши ва кўсақларнинг очилиши тезлашиши, пировардида юқори ва сифатли пахта ҳосил олишнинг назарий асослари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти типик бўз тупроқлар шароитида синовдан ўтказилган ғўза қатор ораларини сомон билан мулчалаб суғориш технологияси эгат бўйлаб тупроқни бир текис сифатли намланишини таъминланган, оқова сувларини беҳуда исроф бўлиши ва тупроқ билан бирга озика элементларини ювилишини олди олинишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ирригация эрозиясига мойил тупроқларда ғўзани суғориш технологияси элементларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

«Эгат узунлиги бўйича тупроқни бир текисда намлаш усули» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк агентлигининг ихтиролик патенти олинган (22.01.2009 й., IAP 04404);

«Ғўзани сув тежовчи технологиялари ва суғориш муддатлари ва меъёрларини тензиометр ёрдамида аниқлаш усуллари» бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 11 октябрдаги 04/29-438-сон маълумотномаси). Бу ғўзани суғоришда сувни тежаш борасида пахтачиликка ихтисослишган фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Ғўза қатор орасини сомон билан мулчалаб суғориш технологияси Тошкент, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Навоий вилоятлари фермер хўжаликлари пахта майдонларида жами 2,2 минг гектар майдонга

жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 11.10.2017 й., 04/29-438-сон маълумотномаси). Мазкур суғориш технологиясини қўллаш натижасида тупроқни эгат бўйлаб бир текис намланиши ва намликнинг физик буғланиши камайишига эришилиб, натижада суғориш сувлари 30 фоизга тежалган, гектаридан 4,1 центнер қўшимча пахта ҳосили олинган ва гектаридан 280-300 минг сўм соф даромад олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Дала шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ПСУЕАИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланиб, ҳисоботлар институтнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва ҳалқаро илмий-амалий анжуманларда 6 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлари чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та ихтиролик патенти олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сув ва ресурстежовчи технологиялар бўйича тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида ирригация эрозияси, дискрет суғориш технологияси ва тупроқни мулчалаш тўғрисидаги мавзулар бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Жумладан, ирригация эрозиясининг келиб чиқиши, унинг тупроқ унумдорлигига таъсири ва унга қарши курашда эгатлаб суғориш усулини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган. Шу билан бирга тупроқни унумдорлигини сақлаш, тупроқни ва озиқа элементларини ювилишини олдини олиш мақсадида тупроқни мулчалашнинг самарадорлигини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари берилган.

Мавзу бўйича олиб борилган изланишлар таҳлилининг сўнги саҳифасида Тошкент вилоятининг типик бўз, ирригация эрозиясига мойил бўлган тупроқларда доимий оқим ва дискрет суғориш технологиялари қўлланилиб ғўза катор ораларини сомон билан мулчалаб суғориш натижасида тупроқнинг сув, иссиқлик ва микробиологик тартибларига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаганлиги учун ушбу йўналишда тадқиқотларни ўтказиш зарурлиги тўғрисида хулоса қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услубларини баҳолаш» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари баён қилинган.

Тадқиқотлар 2007-2009 йилларда тасдиқланган дастур асосида Тошкент вилоятининг (ПСУЕАИТИнинг Оққовоқ тажриба участкаси) типик бўз, механик таркиби бўйича оғир кумоқли, ирригация эрозиясига мойил, шўрланмаган, сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда олиб борилгани диссертация матнида баён этилган.

Иқлим шароити бўйича мазкур минтақа сахро ва ярим сахро қисмида жойлашиб, пахта экиладиган минтақанинг шимолий-шарқ қисми ҳисобланади. Қиши анча совуқ бўлиб, баҳорда ҳаво харорати тезда кўтарилиб, лекин баҳорги совуқлар тез-тез қайтарилиб, қишлоқ хўжалик экинларига муайян зарар етказилади. Ёз очик, деярли ёғингарчиликсиз, юқори даражали иссиқ июл ва август ойларида 40-43 °С гача кўтарилади. Куз илик, давомий бўлиб, биринчи совуқлар одатда 20 октябрда тушади.

Тадқиқотлар ўтказилган объектнинг иқлим шароити «Оққовоқ» метеостанцияси кўрсаткичлари билан белгиланади. Тадқиқотлар ўтказилган барча йилларида ёз ва куз ойларида ғўзани мақбул ўсиши ва ривожланиши ҳамда етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш учун қулай ҳаво харорати кузатилди.

Дала тажрибаларида қуйидаги илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитларида ўтказилиб, тупроқнинг таркибидаги умумий чиринди миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг ҳаракатчан шакллари Гранвалд-Ляжу, В.П.Мачигин усулида, азот, фосфор, калийнинг ялпи миқдорлари И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко усулларида, тупроқнинг механик таркиби М.П.Братчевнинг гексаметафосфат натрий билан ишлов берилиб, пипетка усулида аниқланган. Тупроқнинг ҳажм оғирлиги цилиндр усулида, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги металл ҳалқа усулида, тупроқнинг дала нам сифими 3x3 м бўлган майдончаларга сув тўлдириш усулида, суғориш олди тупроқ намлиги С.Н.Рыжовнинг термостат-тарози усули билан бирга «DR-503 Hydroprobe» русумли нам ўлчов асбоби ёрдамида аниқланган. Ғўзани суғоришда сув сарфи ва оқова миқдори учбурчакли 90° тенг бўлган сув ўлчагичи ёрдамида аниқланган. Тупроқ харорати Саввинова термометри ёрдамида, ҳавосини эса ЛХМ-8М газ храмотографи ёрдамида аниқланган. Тупроқдаги микроорганизмлар миқдори Микробиология институтининг услуги бўйича тупроқ микробиологияси лабораториясида аниқланган. Олинган натижаларнинг математик-статистик

тахлилида Б.А.Доспехов усулидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «Ѓўзани турли суғориш технологияларини тупроқнинг агрохимёвий ва агрофизикавий хоссаларига таъсири» деб номланган учинчи бобида турли суғориш технологиялари таъсирида тупроқдаги ҳаракатчан ва ялли озика элементларини ўзгариши ҳамда тупроқнинг агрофизикавий ҳолатини дастлабкига нисбатан сезиларли даражада ижобий томонга ўзгариш бўлганлиги келтирилган.

Лаборатория тахлилларининг маълумотларига кўра, тажрибани жойлаштиришдан олдин тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламларида чиринди миқдори ўртача 0,936% ни, умумий азот ва фосфор эса 0,083% ва 0,104% ни ташкил этган. Азот, фосфор ва калийнинг ҳаракатчан шакллари эса 21,74; 49,34 ва 160 мг/кг ни ташкил этган.

Амал даврининг охирига келиб, доимий оқим билан суғорилган 1-4 вариантларда ҳайдов қатламидаги тупроқ таркибидаги чиринди миқдори мутаносиб ҳолда 0,811, 0,772, 0,891, 0,931% ни ташкил этган бўлса, дискрет технологияси қўлланилган 5-8 вариантларда мутаносиб ҳолда 0,851, 0,891, 0,912, 0,972% ни ташкил этди. Дискрет технологияси қўлланилган вариантларда чириндининг миқдори 0,02-0,1% га ошиқроқ бўлиб, доимий оқим билан суғорилганга нисбатан кам миқдорда камайгани кузатилган.

Тупроқнинг ҳажм оғирлиги ва сув ўтказувчанлиги бўйича маълумотларига кўра, амал даврининг охирига келиб тупроқнинг ҳажм оғирлиги сомон билан мулчаланган 3,4,7,8 вариантларда 0,01-0,03 г/см³ га деярли ошганлиги кузатилиб (1,2,5,6 вариантларда 0,02-0,05 г/см³), мулчаланмаган вариантларда тупроқнинг юқори миқдорда зичланганлиги сабабли, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида 1,4 мартага камайганлиги аниқланди.

Ѓўзанинг ўсув даврида барча вариантларда бир хил суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда суғориш ишлари олиб борилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ѓўзанинг суғориш тартиблари ва мавсумий сув меъёри

Вар.	Суғориш тартиби, ЧДНС га нисбатан, %	Ҳисобий қатлам, см	Суғориш тизими	Мавсумий сув меъёри брутто, м ³ /га			Ўртача 3 йилда мавсумий сув меъёри брутто, м ³ /га
				2007 й.	2008 й.	2009 й.	
Доимий оқим билан суғориш							
1	70-70-60	70-100-70	1-3-1	4248	4470	4414	4377
2		70-100-70	1-3-1	4273	4313	4220	4269
3		70-100-70	1-2-2	3764	3847	3851	3821
4		50-50-30	1-4-2	2738	2803	2723	2755
Дискрет технологияси орқали суғориш							
5	70-70-60	70-100-70	1-3-1	4150	4285	4144	4193
6		70-100-70	1-3-1	4145	4242	4339	4242
7		70-100-70	1-2-2	3746	3843	3872	3820
8		50-50-30	1-4-2	2673	2761	2702	2712

Тадқиқот ўтказилган йилларда 4 ва 8 вариантлардан ташқари барча вариантлар амал даврида 1-3-1 ва 1-2-2 суғориш тизимларида 5 марта суғорилган бўлиб, 4 ва 8 вариантларда суғоришлар 1-4-2 суғориш тизимда 7 марта суғорилган. Энг кам (35-37%га) мавсумий сув меъёри 4 ва 8 вариантларда ташкил этган. Ушбу вариантларда ҳисобий намлаш қатлами амал даврига мутаносиб ҳолда 50-50-30 см га тенг бўлиб, суғориш ишлари тез-тез кам меъёردа ўтказилган.

Ғўзанинг умумий сув истеъмолида 62,9-70,6% ни мавсумий суғориш сувлари ташкил этган бўлса, тупроқнинг намлик захираси 25,2-31,9% ва ёғингарчилик 3,6-5,2% ни ташкил этди (2-жадвал). Тадқиқотларимизда тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиш тупроқнинг ҳисобий намлаш қатлами 50-50-30 см га тенг бўлган 4 ва 8 мулчаланган вариантларда энг кўп бўлиши кузатилди.

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 4 ва 8 вариантларда 1 центнер пахта ҳосили учун сарфланган умумий сув миқдори 121 ва 112 кг/м³ ташкил этган, яъни бошқа вариантларга нисбатан 58-59% га оз умумий сув миқдори сарфланган.

2-жадвал

Тажриба даласининг сув истеъмоли (ўртача 2007-2009 йй.)

Кўрсаткичлар	Тажриба вариантлари							
	1	2	3	4	5	6	7	8
Амал даври бошидаги тупроқнинг намлик захираси, м ³ /га	5469	5469	5469	5469	5469	5469	5469	5469
Амал даври охиридаги тупроқнинг намлик захираси, м ³ /га	3855	3845	4107	4118	3929	3929	4102	4091
Тупроқнинг захира намликдан фойдаланиши, м ³ /га	1614	1624	1362	1351	1541	1541	1367	1378
Тупроқнинг захира намликдан фойдаланиши, %	26,0	26,6	25,2	31,2	25,9	25,7	25,2	31,9
Мавсумий сув меъёри, м ³ /га	4377	4269	3821	2755	4193	4242	3820	2712
Мавсумий сув меъёри, %	70,4	69,8	70,6	63,6	70,3	70,6	70,6	62,9
Ёғингарчилик миқдори, м ³ /га	227	227	227	227	227	227	227	227
Ёғингарчилик миқдори, %	3,6	3,7	4,2	5,2	3,8	3,7	4,2	5,2
Ғўзанинг сув истеъмоли, м ³ /га	6218	6120	5409	4332	5960	6009	5414	4317
Пахта ҳосилдорлиги, ц/га	30,1	31,9	35,0	35,9	32,0	33,8	37,3	38,7
1 ц пахта ҳосилини олиш учун сарфланган суғориш суви миқдори, м ³	145,4	134,0	109,1	76,8	131,3	125,5	102,4	70,2
1 м ³ суғориш сувини пахта ҳосили билан қоплаш, кг	0,69	0,75	0,92	1,30	0,76	0,80	0,98	1,42
1 ц пахта ҳосилини олиш учун сарфланган умумий сув миқдори, м ³	206	192	155	121	187	178	145	112
1 м ³ умумий сувни пахта ҳосили билан қоплаш, кг	0,48	0,52	0,65	0,83	0,53	0,56	0,69	0,89


Дискрет технологияси орқали суғорилган (5-8) вариантларда ҳам 1 центнер пахта ҳосилини олиш учун доимий оқим билан суғорилган (1-4) вариантларга нисбатан сарфланган умумий сув миқдори 10-19 м³ га камроқ бўлгани аниқланди. Умуман олганда, ғўза қатор ораларини мулчалаб дискрет

технологияси орқали суғорилганда суғоришнинг самарадорлигини ошиши кузатилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўртача уч йилда 4 ва 8 вариантларда ғўзанинг умумий сув истеъмоли 4325 м³/га тенг бўлган. Ушбу кўрсаткич, бизнинг даламизда илгари ғўзани томчилатиб суғориш усулининг самарадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига мос келган: 4290 м³/га (1993 й.); 4580 м³/га (1994 й.); 4726 м³/га (1995 й.). Бунда 1993-1995 йиллари амал даври узун бўлган ғўзанинг С-6524 нави экилган (Эсанбеков Ю.).

Тажриба даласида томчилатиб суғориш усулига каби ғўзани суғоришлар қатор оралатиб ўтказилган, томчилатиб суғориш усулидан фарқи ғўза қатор ораларига тупроқ юзаси сомон мулчаланган, бу бевоста намликнинг буғланишини олдини олади.


Тадқиқотларда бир хил сув оқимлари билан сувнинг мулчаланган эгатларда унинг охирига етиш вақти мулчаланмаган эгатларга нисбатан бир мунча кўп бўлганлиги кузатилди: 0,08 л/с сув оқимида 1 соатга; 0,14 л/с сув оқимида 0,82 соатга ва 0,22 л/с сув оқимида 0,45 соатга (1-расм).




1-Расм. Эгатнинг охирига сувнинг етиб келиш вақти

Эгатларга бир хил давомийликда сув берилганда оқова сувларининг хажми мулчаланган эгатларда назоратга нисбатан бир мунча кам бўлганлиги кузатилди: яъни бу кўрсаткич 0,08 л/с сув оқимида 8,3 мартага; 0,14 л/с сув оқимида 2,56 мартага; 0,22 л/с сув оқимида 3,5 мартани ташкил этди.

Назорат вариантларида тупроқнинг ювилиши 0,08 л/с сув оқимида ўртача 4,6 т/га, 0,14 л/с сув оқимида 8,05 т/га ва 0,22 л/с сув оқимида 12,65 т/га миқдорларда бўлганлиги аниқланди. Тажриба вариантларида ушбу сув оқимларида тупроқнинг ювилиши 1,02; 1,8; 2,8 т/га ташкил этиб, ушбу вариантларда ирригация эрозиясига мойил бўлган ерларда эгат орқали суғориш сифатига кўйиладиган асосий талаб тупроқни меъерий кўрсаткичларидан (амал даврида 2,5-5т/га) кўп ювилганлигига йўл қўйлмади (2-расм). Тупроқда озика элементларини назорат вариантларида ўртача ювилиши: умумий азот - 0,23; 0,4; 0,66 кг/га; фосфор 0,01; 0,02; 0,03 кг/га; калий 1,79; 3,13 ва 4,92 кг/га миқдорларда бўлганлиги кузатилди (3-расм).



2 -Расм. Тупроқни турли сув оқимларида ювилиши



3-Расм. Тупроқдан озика элементларини турли сув оқимларида ювилиши


Қатор ораси мулчаланган вариантларда эса, озика элементларини ўртача ювилиши: умумий азот - 0,03; 0,06; 0,08 кг/га; фосфор 0,01; 0,02; 0,03 кг/га; калий - 0,56; 1,0; 1,54 кг/га миқдорларда бўлганлиги тадқиқотлар натижасида аниқланди. Шундай қилиб, мулчаланган вариантларда назоратга нисбатан тупроқни (4-4,5 мартага) ва озика моддаларини ювилиши (6-8 мартага) сезиларли даражада кам бўлганлиги кузатилди.

Амал даврида ғўза дискрет технологияси орқали суғорилганда суғориш сувининг (брутто) меъёри 0,22 л/с сув оқимида 3 тактда берилиб, бунда умумий ўртача сув меъёрини биринчи тактда 50%, иккинчи тактда - 30% ва учинчи тактда - 20% ташкил этди. Танаффус вақти 45-60 дақиқа бўлиб, суғоришнинг умумий давомийлиги доимий оқим билан суғорилган вариантларга нисбатан 1-1,25 соатга юқори бўлганлиги аниқланди.

Суғориш сифатининг юқори кўрсаткичлари мулчаланган вариантларда, яъни 4 вариантда фойдали иш коэффициенти 0,95 ва 8 вариантда 0,98 га тенг бўлганлиги ҳамда эгат бўйлаб бир хил намланиш даражаси 0,93 га тенг бўлганлиги кузатилди.

Диссертациянинг «**Ғўзани турли суғориш технологияларининг экологик факторларга таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида тупроқ юзасидан CO₂ гази ажралишининг энг юқори кўрсаткичи қатор ораси сомон билан мулчаланган вариантда деб баён этилган бўлиб, тупроқ ҳавосидаги CO₂ гази концентрацияси динамикасини ўрганиш бўйича кузатувларда ғўзанинг ўсув даврида тупроқ ҳавоси таркибидаги CO₂ гази энг юқори кўрсаткичи мулчаланган вариантларда бўлганлиги аниқланди (4-расм). Бу эса, ўз навбатида тупроқ юзаси мулчаланган шароитда биоген даражаси юқорилигини белгилайди. Бунда ғўзанинг илдиз тизимини минерал тузлар билан қўшимча озикланишини таъминланади.

Респирометр ёрдамида ўлчов натижаларига кўра, яъни тупроқ юзасидан CO₂ гази ажралишининг энг юқори кўрсаткичи назорат вариантыда ўртача уч йилда 1,79% ни ташкил этган бўлса, мулчаланган вариантда эса 0,84% ташкил этган ёки 47,7% га кам кўрсаткични ташкил этди. Ушбу ҳолатлар 2008 ва 2009 йилларда ҳам кузатилди (5-расм).



4-Расм. Тупроқ таркибидаги CO₂ газининг динамикаси

5-Расм. Тупроқ юзасидан ажраладиган CO₂ газининг динамикаси

Хулоса қилиб айтганда, ғўза экилган далада тупроқ юзаси мулчаланганда уни ҳавоси таркибидаги CO₂ газининг миқдори юқори бўлиб ва аксинча юзасидан атмосферага ажраладиган CO₂ газининг ҳажми камайиб, ғўза фотосинтез жараёнида CO₂ газидан илдиз тизимидан ва атмосферадан кўпроқ фойдаланиши маълум бўлди.

Тупроқ таркибида фойдали микроорганизмлар (аммонификатор) миқдорининг энг юқори кўрсаткичи мулчаланган вариантда кузатилиб 123,1 млн.кoe/г ташкил этди, назорат вариантыда эса 60,0 млн.кoe/г ни ёки 2 марта кам бўлгани аниқланди.

Тадқиқотлардан олинган маълумотларга кўра, ғўза қатор оралари мулчаланган вариантларда тупроқ ҳавосининг таркибидаги CO₂ газининг ҳажми ва микроорганизмларнинг миқдори мульчаланмаган вариантларга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди. Аммонификаторлар миқдорининг ошишининг сабабини ҳар йили тупроқ остига ҳайдаб ташланадиган сомон ҳисобига бўлади, яъни сомон органик модда сифатида таркибида азот сақлаб, бактерияларнинг ривожланишини таъминлайди ва натижада кўшимча озиқа миқдори яратилишига имкон беради.

Диссертациянинг «**Ғўзани турли суғориш технологияларининг ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсири**» деб номланган бешинчи бобида ғўзани мулчаланган эгатлар орқали 50-50-30 см ҳисобий намлантириш қатламида (4 ва 8 вариант) суғориш натижасида назорат вариантыга нисбатан 1 сентябрь кунига ғўзани ўсиши ва

ривожланиши бўйича 12-18 см юқори бўлиши кузатилгани баён этилган. Ушбу вариантларда кўсақларнинг очилиш суръати ҳам юқори бўлганлиги аниқланиб, мос равишда 50,0-58,2% га тенг бўлди. Бу қатор ораси сомон билан мулчаланганда, кам меъёردа тез-тез суғориш, қатор ораларига ишлов бериш сонини камайиши ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосилини олишда муҳим омил эканлиги билан изоҳланди.

Тадқиқотларда энг юқори пахта ҳосили дискрет технологияси орқали қатор ораларини мулчалаб суғориш натижасида эришилганлиги аниқланди (7 ва 8 вариант). Ушбу вариантларда ўртача пахта ҳосилдорлиги 37,3-38,7 ц/га ни ташкил этиб, 3 ва 4 доимий оқим билан суғорилган вариантларга нисбатан 2,3-2,8 ц/га га қўшимча пахта ҳосили олинганлиги аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Пахта ҳосили йиллар бўйича, ц/га

Тажриба вариантлари	2007 й.	2008 й.	2009 й.	Ўртача пахта ҳосилдорлиги, ц/га	Қўшимча пахта ҳосилдорлиги, ц/га
1	30,0	29,1	31,3	30,1	-
2	31,6	30,8	33,3	31,9	-
3	34,7	34,0	36,4	35,0	-
4	35,8	34,6	37,3	35,9	-
5	31,8	30,8	33,3	32,0	1,9
6	33,5	32,6	35,4	33,8	1,9
7	37,1	36,2	38,7	37,3	2,3
8	38,7	37,2	40,1	38,7	2,8
Sd (A) НСР₀₅	0,32	0,52	0,30	-	-
Sd (B) НСР₀₅	0,47	0,73	0,43	-	-

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида фақат суғориш сувларини иқтисод қилишга эришилмай, балки юқори ва сифатли пахта ҳосили олишга ҳам имкон яратди. Демак, энг юқори тола чиқиши 8 вариантда 38,5% ни ташкил этиб, минг дона чигит вазни 110,1 гр. га тенг бўлди. Бошқа вариантларга нисбатан ушбу вариантда тола чиқиши кўрсаткичи 0,9-1,7% га ва минг дона чигит вазни 1,6 гр. гача юқори бўлди.

Пахта етиштиришнинг анъанавий агротехнологияларида қатор орасига ишлов бериш жараёнида ғўзанинг илдиз тизими культиваторларнинг ишчи органлари орқали кесилиши натижасида ўсимликка маълум даражада шикаст етказилади ва пахта ҳосили камайиши кузатилади. Ғўзанинг илдиз тизимини ривожланиши бўйича ўтказилган тадқиқотларни кўрсатишича мулчаланган вариантларда қатор ораларига ишлов бериш сони қисқаргани учун тупроқнинг энг унумдор ҳайдов қатламининг донадорлик хусусиятлари яхшиланиб, ғўзани ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароитлар яратилади. Дала тажрибасида ғўзани илдиз тизими, сомон билан мулчаланган вариантларда асосий илдиз жуда қисқа бўлиб, тупроқнинг энг унумдор қатламида ён илдизлар юқори даражада тарқалгани кузатилди.

Диссертациянинг «Ғўзани турли суғориш технологияларининг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган олтинчи бобида иқтисодий

самарадорликни ҳисоблаш натижалари келтирилган. Пахта етиштиришнинг умумий харажатларини ҳисоблаганда 3,4,7,8 - вариантларда, яъни сомон билан 1,5 т/га меъёрда мулчалош ҳисобига умумий харажатлар 100,0 минг сўмга ошганлиги аниқланди. Лекин, ғўза қатор ораларига ишлов бериш сони қисқариб ва мос равишда ёқилғи мойлаш материаллари камайганлиги учун ушбу вариантларда 32,92 минг сўм/га харажатлар тежалган.

Энг юқори соф даромад тажриба вариантларига нисбатан 8 вариантда эришилди, яъни ғўза қатор ораларини сомон билан мулчалаб дискрет технологияси орқали 50-50-30 см ҳисобий намлаш қатламида белгилаб суғорилган вариантда 471139 сўм/га соф даромад олинди.

Доимий оқим билан суғорилган 1-4 вариатларда энг кам рентабеллик кўрсаткич 1 вариантда бўлди (5%), энг юқори эса 4 - вариантда (20,0%), дискрет технологияси орқали суғорилган вариантларда эса энг кам 5 вариантда (11,7%) ва энг кўп 8 - вариантда (29,4%) бўлди (4-жадвал).

4-жадвал

**Ғўзани турли суғориш технологияларининг
иқтисодий самарадорлиги**

Кўрсаткич	Тажриба вариантлари							
	Доимий оқим билан суғориш				Дискрет технологияси орқали суғориш			
	1	2	3	4	5	6	7	8
Пахта ҳосилдорлиги, ц/га	30,1	31,9	35,0	35,9	32,0	33,8	37,3	38,7
Ғўза қатор ораларини мулчалош харажатлари (1,5т сомон), минг сўм/га	-	-	100,0	100,0	-	-	100,0	100,0
ЁММдан иқтисод қилинган маблағ, минг сўм/га	-	24,69	32,92	32,92	-	24,69	32,92	32,92
Ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм/га	1535,0	1510,3	1602,1	1602,1	1535,0	1510,3	1602,1	1602,1
1 т пахта ҳосилини сотиш нархи, минг сўм/га	535,7	535,7	535,7	535,7	535,7	535,7	535,7	535,7
Пахта ҳосилини сотишдан тушган даромад, минг сўм/га	1612,	1708,9	1875,0	1923,2	1714,3	1810,7	1998,2	2073,2
Соф даромад, минг сўм/га	77,5	198,6	272,9	321,1	179,3	300,4	396,1	471,1
Рентабеллик, %	5,0	13,1	17,0	20,0	11,7	19,9	24,7	29,4

Хулоса қилиб айтганда, ғўза қатор ораларини сомон билан 1,5 т/га меъёрда мулчалаб дискрет технологияси орқали 50-50-30 см ҳисобий намлаш қатламида суғорилганда тажрибанинг бошқа вариантларига нисбатан юқори самарадорликка эришилганлиги аниқланди. Ушбу юқори самарадорликка эга

суғориш технологияси, юқори миқдорда сув ва ресурсларни талаб этадиган ананавий эгатлаб суғориш усулини такомиллаштирилгани билан изоҳласа бўлади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ғўза қатор орасига сомон тўшаш натижасида, қатор ораларига ишлов бериш сони 3-4 мартага ёки 50 % га қисқариб, ғўзанинг амал ўсув даврида сув-физик хусусиятлари (ҳажм массаси ва ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги) яхшиланиши кузатилди.

2. Уч йиллик тадқиқотларда ҳисобий намлаш қатлами 70-100-70 см бўлган вариантларда ғўзани мавсумий сув меъёри ўртача 3820-4377 м³/га атрофида бўлиб, ҳисобий қатлам 50-50-30 см бўлган вариантларда 2755-2712 м³/га бўлди. Бунда биринчи гуруҳ вариантларида ҳисобий суғориш тартибини сақлаш учун 5 марта суғорилиб, иккинчисида эса 7 марта суғорилди. Сувнинг энг юқори самарадорлиги ғўзани мулчаланган эгатлар орқали суғорилган вариантларда кузатилиб 0,83-0,89 м³/ц ни ташкил этди. Мулчаланмаган вариантларида бу кўрсаткичлар 0,48-0,69 м³/ц ташкил этган.

3. Мулчаланган эгатлар билан суғорилганда эгатнинг фойдали иш коэффиценти 0,98, бир текисда намланиш коэффиценти 0,93 га тенг бўлди. Эгат бўйлаб тупроқни бир текисда намланиш бўйича юқори кўрсаткичларга эришилишга мукамал суғориш технологиясини қўллаш, тупроқнинг сув-физик тартиби яхшиланганлиги сабаб бўлди.

4. Ирригация эрозиясига мойил бўлган ерларда эгат орқали суғориш сифатига қўйиладиган асосий талаб тупроқни меъёрий кўрсаткичларидан (амал даврида 2,5-5т/га) кўп ювилганлигига йўл қўйлмади. Назорат вариантыда тупроқни ювилиши эгатга 0,08 л/с оқими миқдорда сув қўйилганда ўртача 4,6 т/га, 0,14 л/с оқимда сув қўйилганда 8,05 т/га ва 0,22 л/с сув оқимида 12,65 т/га ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар тажриба вариантыда 1,02; 1,8; 2,8 т/га ни ташкил этган. Озиқа элементларини назорат вариантларида ўртача ювилиши: умумий азот - 0,23; 0,4; 0,66 кг/га; фосфор 0,01; 0,02; 0,03 кг/га; калий 1,79; 3,13 ва 4,92 кг/га миқдорларида бўлганлиги кузатилди. Мулчаланган вариантларда эса, озиқа элементларини ўртача ювилиши: умумий азот - 0,03; 0,06; 0,08 кг/га; фосфор 0,01; 0,02; 0,03 кг/га; калий - 0,56; 1,0; 1,54 кг/га миқдорларида бўлганлиги кузатувлар натижасида аниқланди. Шундай қилиб, мулчаланган вариантларда назоратга нисбатан тупроқни (4-4,5 мартага) ва озиқа моддаларини ювилиши (6-8 мартага) сезиларли даражада кам бўлганлиги кузатилди.

Бир хил сув оқимлари билан сувнинг мулчаланган эгатларда эгатнинг охирига етиш вақти мулчаланмаган эгатларга нисбатан бирмунча кўп бўлган: ва бу ўз навбатида 0,08 л/с сув оқимида 1 соатга; 0,14 л/с сув оқимида 0,82 соатга; 0,22 л/с сув оқимида 0,45 соатга. Мулчаланган эгатларда назоратга нисбатан оқова сувлари эса бир мунча кам бўлди: 0,08 л/с сув оқимида 8,3 мартага; 0,14 л/с сув оқимида 2,56 мартага; 0,22 л/с сув оқимида 3,5 мартани ташкил этди.

5. Мульчаланган вариантларда куннинг энг иссиқ соатларида тупроқнинг ҳарорати паст бўлса, кечки салқин пайтларда назоратдагига нисбатан юқори бўлгани сабабли, иссиқлик тартиби яхшиланиб, тупроқнинг биологик фаоллиги ошди, натижада ўсимликнинг яхши ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароитлар яратилди.

6. Тупроқ ҳавосидаги CO₂ гази концентрацияси динамикасини ўрганиш бўйича кузатувларда ғўзанинг ўсув даврида тупроқ ҳавоси таркибидаги CO₂ гази энг юқори кўрсаткичи мулчаланган вариантларда бўлганлиги аниқланди. Бу эса, ўз навбатида мулчаланган тупроқнинг биоген даражаси юқори эканини белгилайди. Бунда ғўзанинг илдиз тизимини минерал тузлар билан қўшимча озикланиши таъминланади.

Респирометр натижаларига кўра, яъни тупроқ юзасидан CO₂ гази ажралишининг энг юқори кўрсаткичи назорат вариантыда ўртача уч йилда 1,79% ни ташкил этган бўлса, мулчаланган вариантда эса 0,84% ташкил этган ёки 47,7% га кам бўлганлиги аниқланди.

7. Тупроқ таркибида фойдали микроорганизмлар (аммонификатор) миқдорининг энг юқори кўрсаткичи мулчаланган вариантда кузатилиб 123,1 млн.кoe/г ни ташкил этиб, назорат вариантыда эса 60,0 млн.кoe/г ни ёки 2 марта кам бўлгани аниқланди.

8. Тадқиқотларда энг юқори пахта ҳосили дискрет технологияси орқали қатор ораларини мульчалаб суғориш натижасида эришилганлиги аниқланди (7 ва 8 - вариантлар). Ушбу вариантларда ўртача пахта ҳосилдорлиги 37,3-38,7 ц/га ни ташкил этиб, 3 ва 4 доимий оқим билан суғорилган мулчаланган вариантларга нисбатан 2,3-2,8 ц/га ошиқ бўлганлиги кузатилди.

9. Энг юқори соф даромад 8 вариантда эришилди, яъни ғўза қатор ораларини сомон билан мулчалаб дискрет технологияси орқали 50-50-30 см ҳисобий намлаш қатлами белгиланган вариантда 471139 сўм/га соф даромад олиниб, рентабеллик даражаси 29,4% ни ташкил этди. Доимий оқим билан суғорилган 1-4 вариатларда энг кам рентабеллик кўрсаткичи 1 вариантда бўлиб (5%), энг юқориси эса 4 вариантда (20,0%), дискрет технологияси орқали суғорилган вариантларда эса энг кам 5 вариантда бўлди (11,7%).

10. Тадқиқотларда тупроқни сомон билан мулчалаганда тупроқнинг сув-физик хусусиятлари яхшиланиб, кам меъёрда тез-тез суғориш ўтказилиши хисобига ғўзанинг илдиз тизими асосан тупроқнинг юқори унумдор қисмида жойланиши аниқланди.

11. Ғўза қатор орасини сомон билан мулчалаб суғориш технологияси Тошкент, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Навоий вилоятлари фермер хўжаликлари пахта майдонларида жами 2,2 минг гектар майдонга жорий этилиб, натижасида тупроқни эгат бўйлаб бир текис намланиши ва намликнинг физик буғланиши камайишига эришилиб, натижада суғориш сувлари 30 фоизга тежалган, гектаридан 4,1 центнер қўшимча пахта ҳосили олинган ва гектаридан 280-300 минг сўм соф даромад олишга эришилган.

12. Ирригация эрозиясига мойил бўлган ерларда ғўзани парваришлашда ирригация эрозиясини камайтириш, пахта ҳосилини ошириш, суғориш сувини ва энергоресурсларни тежаш учун ғўзани тор қаторларда экилганда

трактор ғилдираги юрмайдиган эгатларга кузги буғдой сомонини гектарига 1,5 тонна ҳисобида тўшаш тавсия этилади.

13. Пахта даласига сомонни қатор орасига маъдан ўғитларнинг йиллик меъёри берилиб бир-икки марта ишлов берилгандан кейин тўшаш керак. Сомонни тўшашдан олдин ғилдирак орасидаги эгатларда эгат очиш ва ғўзада оҳирги озиклантиришни ўтказиш керак.

14. Қиялиги 0,01 га тенг ерларда сифатли суғориш ўтказиш учун эгат узунлиги 80 м атрофида, эгатга бериладиган сувни 0,15-0,22 л/с, суғориш давомийлигини 7-10 соат белгилаш мақсадга мувофиқ.

15. Сув ўтказувчанлиги паст оғир кумоқли тупроқларда стандарт эгатлар орқали суғоришда дискрет суғориш технологиясини қўллаш тавсия этилиб, бунда суғориш сувининг (брутто) меъёри 0,22 л/с сув оқимида 3 тактда: биринчи тактда умумий сув меъёрини 50%, иккинчи тактда- 30% ва учинчи тактда - 20% берилиши мақсадга мувофиқ.

16. Ғўзани тор қаторли эгатларида экилганда суғориш суви ва ёқилғини тежаш мақсадида суғориш ишларини стандарт эгатлар бўйича эгат оралатиб ўтказиш, бунда суғориш техникаси элементларини юқорида тавсия этилган, яъни узунлиги ва эгатга бериладиган сув миқдорига риоя қилиш тавсия этилади. Бунинг учун суғоришдан кейин ўтказиладиган ишловларда трактор култиваторига комбинациялаштирилган ишчи органлари тўплами - панжали юмшатгич ва окучникли наралниклар ўрнатилиши, қатор орасига ҳар бир ишлов беришда уларни ўрнини ўзгартириб туриш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

ЭСАНБЕКОВ МЕЙРЖАН ЮСУПБЕКОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЭЛЕМЕНТОВ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛИВА
ХЛОПЧАТНИКА НА ПОЧВАХ, ПОДВЕРЖЕННЫХ
ИРРИГАЦИОННОЙ ЭРОЗИИ**

06.01.02 – Мелиорация и орошаемое земледелие

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/Qx66.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте селек семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (НИИССАВХ).

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.cottonagro.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: **Безбородов Юрий Германович**
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Хамидов Мухаммадхон Хамидович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Норкулов Усмон Норкулович
кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущая организация: Андижанский сельскохозяйственный институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2017 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Аккавак, ул. УзПИТИ, Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: g.selek@qsxv.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № ___). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Аккавак, ул. УзПИТИ Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: g.selek@qsxv.uz

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года.
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2017 года.)

Ш.Ж.Тешаев

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., старший научный сотрудник

Ж.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней, д.б.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день во всем мире в связи с устойчивым дефицитом водных ресурсов требуется их рациональное использование в основном в орошаемом земледелии. Ухудшение мелиоративного состояния орошаемых земель и процесс ирригационной эрозии связано с выбором и применением техники и технологии полива. В последствии ирригационной эрозии в настоящее время в мире 56 процентов посевных площадей в различной степени деградированы, в результате снижается плодородие почвы и производство сельскохозяйственных культур на 15-20 процентов.¹

В республике в годы независимости на орошаемых землях хлопководства уделено отдельное внимание на разработку водосберегающих технологии позволяющие повышения плодородия почв и снижения процесса ирригационной эрозии. В частности, из водо-ресурсосберегающих технологий полива внедрены системы капельного орошения, технология полива по мульчированным черной полиэтиленовой плёнкой бороздам и технология полива по гибким полиэтиленовым шлангам вместо временных оросителей. Однако, внедряемые технологии полива должны служить не только для водо- и ресурсосбережения, но и на повышение продуктивности орошаемых земель с различными уклонами подверженных ирригационной эрозии. В связи с этим, в рамках Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана предусмотренный на 2017-2021 года «...улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, по широкому внедрению в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего, водо- ресурсосберегающих агротехнологий» отмечено одним из важных задач. В связи с этим, в республике в условиях ухудшения мелиоративного состояния орошаемых земель в процессе ирригационной эрозии большое значение имеет расширение научных исследований по повышению продуктивности земель подверженных ирригационной эрозии.

В исследованиях ведущих хлопкосеющих стран мира, таких как США, Китай и Индия при мульчировании поверхностей почв органическими (солома, опилка, сухие листья, компост и др.) и неорганическими (полиэтиленовая плёнка, пепел вулкана и др.) мульчматериалами выявлено снижение оросительной воды на 30-40 процентов, повышение коэффициента полезного действия полива, улучшение водно-физических, теплового и газового режима почв, которые позволили повышения урожая хлопка-сырца на 5-6 центнеров с гектара. В связи с этим, в условиях ухудшения мелиоративного состояния орошаемых земель при устойчивом дефиците водных ресурсов и процесса развития ирригационной эрозии почв исследования по усовершенствованию традиционных агротехнологий возделывания сельскохозяйственных культур является актуальной.

¹ <http://www.fao.org/docrep/018/i1688ri1688r02.pdf>.

Данная диссертационная работа направлена на решение задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан за № ПП-1958 от 19 апреля 2013 года «О мерах по дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель и рациональному использованию водных ресурсов на период 2013-2017 годы» и Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан ПКМ № 261 от 28 ноября 2008 года «О мерах по совершенствованию формирования и реализации программ мелиоративного улучшения орошаемых земель».

